# КПСС Марказий Комитетида

**(Боши биринчи бетда).**

Аммо социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот таъминланишини, гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кўзловчи иш ҳали етарлича самарали бўлмай, замон талабларига, коммунистик бунёдкорликнинг ҳозирги босқичи талабларига тўла йўсинда жавоб беролмаётир. Давлат ва хўжалик органларининг кундалик практикасида, айниқса, одамларнинг ҳаётий манфаатларига тааллуқли турли масалаларни ҳал этишда кўпинча ҳуқуқ нормаларидан жиддий чекинишларга йўл қўйилмоқда. Меҳнат қонунларини, уй-жойларни тақсимлаш юзасидан белгиланган тартиб, жарима солиш ва бошқа маъмурий чоралар кўриш борасидаги қоидаларни бузиш анчагина тарқалган. Давлат ва жамоат мулкига тажовуз қилишга, бошқа ғаразли жиноятларга қарши кураш бўшаштириб юборилган. Бир қанча республикалар ва областларда, министрлик ва идораларда узоқ вақт мобайнида талон-торож қилувчилар ва порахўрлар группалари жазосиз ҳаракат қилиб келганлигини фақат шу билангина изоҳлаш мумкин, булар ҳозир фош этилди. Бундай ҳодисалар Совет Иттифоқининг манфаатларига тубдан зид келади, социалистик турмуш тарзига сира мувофиқ эмас ва уларга қарши актив ҳамда муросасиз курашмоқ керак.

КПСС Марказий Комитети қонунларга оғишмай риоя этиш, гражданларнинг ҳуқуқлари гарантияларини ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этишни янада кучайтиришга совет сиёсий системаси нормал ишлаб туришининг, давлатимиз ривожланишининг, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаришини чуқурлаштиришнинг зарур шарти деб қараб, иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетлари зиммасига социалистик қонунчилик, гражданларнинг ҳуқуқларига қатъий риоя этишни таъминлаш борасидаги ишларни кенг қулоч ёйдириш ва бу ишларни изчиллик, собитқадамлик билан олиб бориш, буларга амалга оширилаётган қайта қуришнинг энг муҳим, таркибий қисми, деб қараш вазифасини юклади.

Партия комитетлари халқ депутатлари Советлари билан бирга ўз территорияларидаги қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот ҳолати учун тўла масъулиятлидирлар. Улар бу масалаларни ҳамиша диққат-марказида сақлашлари, партия ташкилотлари, давлат муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, бутун жамоатчиликнинг қонун талабларидан ҳар қандай чекинишлар, гражданларнинг ҳуқуқларини поймол этувчи ҳар қандай ҳаракатлар илдизини қуритиш ва уларнинг олдини олиш борасидаги куч-ғайратларини йўналтириб, мувофиқлаштириб туришлари, ана шу мақсадларда ташкилий, иқтисодий, идеологик ва ҳуқуқий воситалардан актив фойдаланишлари керак.

КПСС Марказий Комитети меҳнаткашларнинг ҳуқуқий тарбиясига эътиборни бўшаштирмаслик, уларда ҳуқуқ ва вазифалар бирлигини чуқур тушунишни юксак гражданлилик, совет қонунлари ва социалистик ижтимоий турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни, социалистик қонунчиликнинг ҳар қандай бузилишларига муросасизликни шакллантиришни зарур, деб таъкидлади. Раҳбар кадрлар ва мутахассисларнинг ҳуқуқий тайёргарлигини яхшилаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб, бунга уларнинг ишчанлик малакасини оширувчи зарур шарт, деб қараш керак. Барча совет кишиларида мустаҳкам қонунчилик, онгли интизом демократиямизнинг ажралмас қисми эканлигига ишончни тарбиялаш даркор. Қонунчилик ва интизомни янада мустаҳкамлаш совет жамияти иқтисодий ва социал-сиёсий ҳаётининг барча томонларини ривожлантиришга актив ёрдам беради.

Қарорда айтиладики, ким томонидан бўлмасин қонун бузилган ҳар қандай ҳол ўткир, принципиал баҳоланиши, шафқатсиз қораланиши, бунда жавобгар шахслар эса жуда қаттиқ жазоланиши керак. Бунда КПСС Уставининг қонунни бузганлик учун коммунистларнинг давлат ва партия олдида икки ёқлама жавобгарликлари тўғрисидаги талабларини қатъият билан амалга ошириб бориш зарур. Совет қонунларини, гражданларнинг ҳуқуқларини поймол этишга уринувчиларга нисбатан муросасозлик қилинмаслиги, ҳеч қандай мурувват кўрсатилмаслиги керак ва лозим.

КПСС Марказий Комитети давлат муассасалари ва хўжалик ташкилотлари, мансабдор шахслар, барча гражданлар қонунларга оғишмай риоя этишлари учун, ўз территориясида жамоат тартиби муҳофаза этилишини таъминлаш учун халқ депутатлари Советлари барча бўғинларининг, уларнинг ижроия ва фармойиш органларининг масъулиятини анча ошириш зарур, деб ҳисоблайди. Бюрократизм ва сансалорликнинг, одамларга, уларнинг қонуний манфаатлари ҳамда талабларини қондиришга нисбатан бепарволик, расмиятчилик қилишнинг ҳар қандай кўринишлари қатъиян бартараф этиб борилмоғи керак.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ўзларига бўйсунувчи ички ишлар ва юстиция органлари фаолиятига ғоят актив таъсир ўтказишлари, сессияларда, доимий комиссияларнинг, ижроия комитетларининг мажлисларида, меҳнат коллективларида ва истиқомат жойларида ана шу органлар раҳбарларининг ҳисоботлари ҳамда ахборотлари мунтазам кўриб чиқилишини таъминлашлари лозим. Нотариал идоралар, адвокатлар коллегиялари, юридик консультациялар, давлат автоинспекциясининг маҳаллий бўлинмалари, участка инспекторлари, милициянинг патруль-соқчилик ва паспорт хизматлари ишида аниқликни, маданиятни оширишга эътиборни бўшаштирмаслик керак.

Халқ контроли органларининг. шунингдек, ўртоқлик судлари, кўнгилли халқ дружиналари, ҳушёрлик учун кураш жамиятлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг қонунчиликни мустаҳкамлаш, социалистик мулкни ва жамоат тартибини сақлаш юзасидан ҳар бир совет граждани ўзининг конституцион бурчларини бажаришда активлигини ошириш ишидаги ролини кучайтиришга қатъият билан эришиш керак.

Суд, прокуратура, милиция ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари давлат манфаатларини ҳамда гражданларнинг ҳуқуқларини пухта таъминлашлари, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашни янада самарали олиб боришлари, меҳнаткашлар билан мустаҳкам алоқада бўлишлари, қонунларга жуда қаттиқ риоя этишнинг чинакам намунаси бўлиб хизмат қилишлари учун уларнинг ишини қайта қуриш зарур, деб топилди.

КПСС Марказий Комитети СССР Олий судининг раиси ўртоқ В. И. Теребилов, СССР Бош прокурори ўртоқ А. М. Рекунков, СССР ички ишлар министри ўртоқ А. В. Власов, СССР юстиция министри ўртоқ Б. В. Кравцов, СССР давлат бош арбитри ўртоқ Е. В. Анисимовга тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятидаги камчиликларни қатъият билан бартараф этиш, уларга раҳбарликни яхшилаш, ўз хизмат бурчини бенуқсон бажариши, профессионал тайёргарлигини муттасил такомиллаштириб бориши учун кадрларга нисбатан талабчанликни бутун чоралар билан ошириш вазифасини юклади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи министрликлар ва идораларнинг партия комитетлари ҳамда партия бюроларига аппарат коммунистларининг, шу жумладан, раҳбар кадрларнинг қайта қуришни амалга ошириш, ўзларига топширилган соҳалардаги камчиликларни бартараф этишга қўшадиган шахсий ҳиссалари учун уларнинг масъулиятини кучайтириш таклиф қилинди.

Партия Марказий Комитети сўроқ қилиш, дастлабки терговни ўтказиш ва судда кўриб чиқиш чоғида ҳолис иш тутмаслик, ғаразлилик билан ёндашиш кўринишларига, сансалорлик, бағритошлик, кишилар тақдирига лоқайдлик билан қарашга қатъий чек қўйишни талаб қилди. Асоссиз равишда ушлаб туриш ва қамоққа олиш, гражданларни жиноий жавобгарликка ғайри қонуний жалб этиш фактлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари иш практикасидан узил-кесил соқит қилиниши керак. Ҳар бир бундай ҳолни фавқулодда ҳодиса деб баҳолаб, бу ҳодиса юзасидан пухта текшириш ўтказилиши, қаттиқ ҳамда принципиал хулосалар чиқарилиши керак.

Партия комитетларининг диққат-эътибори ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига сиёсий раҳбарликни кучайтириш зарурлигига қаратилди. Уларнинг фаолияти устидан контрол қилиб борилсин, уларнинг зиммасига юклатилган вазифалар аниқ бажарилиши учун жавобгарлик оширилсин. КПСС Марказий Комитети бунда ҳеч қандай томоннинг конкрет ишларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқилишига аралашувига йўл қўйиш мумкин эмаслигини кўрсатиб ўтди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари кадрларининг сифат составини яхшилаш ва тарбиялаш, судлар, прокуратура, ички ишлар органлари ва юстиция органларида ишлашга сиёсий жиҳатдан етук, маънавий жиҳатдан бенуқсон, ўзида юксак профессионал тайёргарликни, граждан мардлиги, сотилмаслик, адолатни чуқур ҳис этиш туйғулари билан мужассамлаштирган кишиларни танлаб олиш тўғрисида мунтазам ғамхўрлик қилиш лозим. Шу мақсадда ана шу органларга меҳнат коллективлари, партия ва комсомол ташкилотлари юборадиган кишиларни ишга қабул қилиш практикасини кенгайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини қонунларни чуқур ҳурмат қилиш, чинакам инсонпарварлик, халққа фидойилик билан беғараз хизмат қилиш руҳида ҳормай-толмай тарбиялаш лозим бўлади.

КПСС Марказий Комитети судларда, прокуратура, юстиция ва Давлат арбитражи муассасаларида, ички ишлар органларининг бўлинмаларида ишлаётган бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини оширишни, уларнинг диққат-эътиборини мунтазам равишда совет қонунларига риоя этиш, партия ва ҳукумат кўрсатмаларини бажариш юзасидан аппарат ишини такомиллаштиришга актив таъсир кўрсатишларига, асосий эътиборни шахсий состав ўртасида хизмат интизомини мустаҳкамлашга йўналтиришларини зарур, деб ҳисоблайди.

Министрликлар ва идораларга давлат ва шартнома интизомларига, меҳнат қонунларига, социалистик мулкни сақлаш тўғрисидаги, қўшиб ёзишларга, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга, хўжасизлик ва исрофгарчиликка қарши кураш ҳақидаги қонунларга риоя этилиши учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг масъулиятини оғишмай ошириб бориш таклиф қилинди. Ҳуқуқий воситалар, идора контроли, кадрлар ва юридик хизмат, бутун ҳуқуқни қўлланиш практикаси социалистик ишбилармонликни ривожлантиришга, фан-техника тараққиётига тўсқинлик қилаётган тор маҳкамачилик, бюрократик ғовларни бартараф этишга самарали ёрдам беришига, социалистик хўжалик юритиш принципларига зид келадиган ҳамма нарсанинг йўлида мустаҳкам тўсиқ бўлишига қатъият билан эришмоқ керак. Инструкцияларни тасдиқлашда ва норматив характердаги буйруқлар чиқаришда тегишли тартиб ўрнатиш, идораларга тегишли актларнинг амал қилаётган қонунларга мувофиқ бўлишини таъминлаш, эскириб қолган қоидаларни ўз вақтида қайта кўриб чиқиш талаб қилинади.

ВЦСПС, касаба союзлари тармоқ комитетлари, касаба союзлари республика, ўлка, область, шаҳар Советларига, бошланғич касаба союз ташкилотларига меҳнаткашларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат қонунларига риоя этилиши устидан назорат ва контрол қилиш юзасидан фаолиятларини кучайтириш, маъмурият ташаббуси билан меҳнат шартномалари бекор қилинган тақдирда қабул қилинадиган қарорларнинг асосли эканлигини пухта текшириш, белгиланган тартиб бузилган ҳолларда қатъиятлик ва изчиллик кўрсатиш, ходимларнинг қонунга хилоф равишда ишдан бўшатилишига йўл қўймаслик тавсия этилди. Меҳнат шароитларини яхшилашда, меҳнат қонунлари нормаларига риоя қилишда касаба союзлари техник ва ҳуқуқий инспекцияларининг ролини ошириш зарур. Уларнинг ишида қатнашишга меҳнаткашлар орасидаги активлардан кенгроқ жалб этиш лозим.

СССР Фанлар академияси, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг илмий-тадқиқот институтлари ва ўқув юртлари илмий тадқиқотлар даражасини оширишлари, қонунни мустаҳкамлашнинг актуал масалаларини фаолроқ ишлаб чиқишлари, юридик фаннинг практика билан алоқасини мустаҳкамлашлари, юридик кадрлар тайёрлашни ҳамда мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, техникумларда ва олий ўқув юртларида ҳуқуқий таълим системасини такомиллаштиришлари керак.

Марказий ва маҳаллий газеталар ҳамда журналлар, телевидение ва радиоэшиттириш редакцияларига партия, совет, хўжалик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоат ташкилотларининг социалистик қонунчилик ҳамда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, хўжалик фаолиятини қайта қуришда ҳуқуқий методлардан фойдаланиш соҳасидаги иш тажрибасини мунтазам ёритиб бориш тавсия этилди. Оммавий ахборот воситалари, деб таъкидланади қарорда, ўз материаллари билан кишиларда қонунга чуқур ҳурматни шакллантириши, қонун талабларига оғишмай риоя этиш, умуман, жамият манфаатларига ҳам, шунингдек, ҳар бир совет кишисининг манфаатларига ҳам мос келишини, мустаҳкам ҳуқуқ-тартиботнинг, гражданлар ҳуқуқлари бузилмаслигининг ҳал қилувчи омили эканлигини ҳаётдан олинган конкрет мисоллар асосида ишонарли тарзда кўрсатиб бериши керак.

# БАЙРАМ БИЛАН ҚУТЛОВ

Лаос Халқ-Демократик Республикаси эълон қилинган куннинг 11 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Лаос Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЛХДР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Кейсон Фомвиханга ва ЛХДР Президенти вазифасини ижро этувчи ўртоқ Фуми Вонгвичитга табрик телеграммаси йўлладилар.

Телеграммада таъкидланадики, халқ ҳокимияти йилларида Лаос меҳнаткашлари партия раҳбарлигида ижтимоий-сиёсий ва маданий турмушда чуқур ўзгартишларни амалга оширдилар, республиканинг иқтисодий тараққиётида салмоқли муваффақиятга эришдилар. Қардош Вьетнам ва Кампучия билан биргаликда Лаос Жануби-Шарқий Осиёдаги вазиятни соғломлаштириш учун изчиллик билан курашмоқда.

Партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принциплари асосида самарали кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда, деб таъкидланади табрик телеграммасида.

(ТАСС).

# Варшавага жўнаб кетди

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар мудофаа министрлари комитетининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 30 ноябрь куни Москвадан Варшавага жўнаб кетди.

(ТАСС).

# МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА — БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Иваново, Владимир, Новгород ва Тюмень областларида оталиқ ёрдами бераётган қурилиш ташкилотлари коллективлари социалистик мусобақасининг 1986 йил III кварталидаги якунларини кўриб чиқдилар.

Қуйидаги ташкилотлар 1986 йил учинчи квартали якунларига кўра, социалистик мусобақа ғолиблари деб топилди ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди:

**Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлигига қарашли «Узтюмендорстрой» трестининг 2-йўл-қурилиш бошқармаси;**

**Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли «Узновгородводстрой» трестининг «Тошкент—4» махсус кўчма механизациялашган колоннаси.**

# КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Умумий таълим мактаблари, мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари ва улар база корхоналарининг биргаликдаги фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари 1 декабрь куни Тошкентда очилган республика семинар-кенгаши қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. Семинар-кенгаш ишида халқ маорифи ходимлари, базавий корхона раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ССР маориф министри О. С. Аббосова докладида ва нутқларда айтилдики, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бери ўтган уч йил мобайнида республикада олти мингга яқин саноат корхоналари, колхозлар ва совхозлар ўқув юртларининг база корхоналари бўлиб қолди. Аммо кўпгина министрликлар ва идоралар мактаб ўқувчиларининг касб танлаши борасидаги муҳим ишдан ҳамон четда туриб келмоқда. Республиканинг кўпгина корхоналарида иш ўринлари етарли эмас. Ўқувчиларнинг 70 процентдан кўпи қишлоқ жойларда шуғулланаётганлигига қарамай, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети уларнинг меҳнат таълимини ташкил этишда ҳозирга қадар муҳим ўзгаришлар киритгани йўқ. Саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам ҳунар танлаш борасидаги асосий иш фақат юқори синф ўқувчилари орасидагина ўтказилиб биринчи — саккизинчи синф ўқувчиларига тегишли эътибор берилмаяпти.

Ҳунар-техника таълими бўлғуси ўринбосарларни тайёрлашда катта роль ўйнайди, дейишди нотиқлар. Аммо кўпгина ҳунар-техника билим юртларининг педагоглари ва мастерлари янги шароитларда ишлашга тайёр эмас, методик ишланмалари йўқ. Т. Н. Қориниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти бунга етарли эътибор бермаяпти. Институт ўқувчиларни мактаб ислоҳоти асосида меҳнатга ва ҳунарга тайёрлаш борасида ҳанузгача ягона методлар ва тавсияларни ишлаб чиққан эмас.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

# ЧАҚҚОН, АММО БЕХАТО ИШЛАШ КЕРАК

*«Правда»нинг рейд бригадаси Ўзбекистон фермаларида*

**Кейинги пайтларда Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхозга меҳмонлар серқатнов бўлиб қолишди. Уларни маҳаллий ферма ўзига тортяпти. Бу ерда қорамол сақланадиган шинам бинолар, юксак даражада механизациялашган озуқа цехи, ажойиб чорвадорлар уйи бор.**

— Меҳмонларни қувонч билан кутиб оляпмиз, тажрибаларимизни ўртоқлашмоқдамиз, — дейди колхоз раиси Р. Акбаров. — Бироқ ишни ҳам эсдан чиқараётганимиз йўқ. Қиш эшик қоқмоқда, маълумки бу фаслнинг талаби қаттиқ бўлади... Энг аввало, етарли миқдорда ем-хашак жамғардик — ҳар бош шартли молга 24 центнердан озуқа бирлиги тўғри келади. Рационда беда пичани, силос, илдизмевалар, сенаж, ўт уни, экин пояси, сомон бор. Кунига ҳар сигирдан 11,7 килограммдан — ўтган йилдагига қараганда икки килограмм кўп сут соғиб олмоқдамиз. Умуман ўн ойда соғиб олинган сут ўртача 3.175 килограммга тўғри келди, илғор сигирсоғарлардан М. Ҳожиева ва Н. Абдувалиева эса ўз йиллик мажбуриятларини ҳозирдаёқ ортиғи билан бажариб қўйдилар.

Таъкидлаб ўтмоқчимиз, бу колхоз чорвадорлари учун ҳеч ким алоҳида шарт-шароит яратиб бергани йўқ. Ўзлари резервларни қидириб топишди. Масалан, темир-терсак тўплаб топширишди. Эвазига ҳисобдан чиқарилган қувурлардан олиб пичан сақланадиган бостирмалар қуришди. Маблағ иқтисод қилиб қолинди. Бригада пудрати, маҳсулот етиштиришнинг поток-цех усулини жорий этишдан ҳам кўп наф кўрилди. Колхозда чорвачилик аллақачонлар фойда келтирадиган тармоққа айланган.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам аҳвол шундай эмас. Кўпчилик колхозлар, совхозлар ҳамон эскичасига ишламоқдалар, харажатлар, кўрилаётган зарарларни ҳисоб-китоб қилишмаяпти. Айтайлик, 500 га яқин хўжалик ҳозирги пайтда озуқа цехларига эга эмас. Қорақалпоғистон АССР, Тошкент, Сирдарё областлари хўжаликлари улар билан, айниқса, ёмон таъминланган. Демак, ана шу жойларда пичан, сенажнинг асосий қисми молларга олдиндан тайёрланмасдан туриб берилади. Шундай бўлганидан кейин ем-хашакни тежаб бўладими? Шундай экан, ўтган йили ҳар центнер сут етиштиришга пландаги 1,6 центнер ўрнига икки центнердан ортиқроқ озуқа бирлиги сирфлангани бежиз эмас. Қорақалпоғистонда эса бу кўрсаткич яна ҳам катта.

Силос, сенаж, илдизмевалар сақланадиган омборлар ҳам етишмайди. Тўғри, бу йил республика Давлат агросаноат комитети чорвачиликнинг моддий-техника базасини яхшилашга киришгандай бўлди. Бироқ иш охиригача етказилмади. Силос ва сенаж иншоотларини фойдаланишга топшириш бўйича тўққиз ойлик план бор-йўғи қирқ процент бажарилди.

— Туб ўзгариш ясашимизга ҳали анча бор, — дейди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари В. Антонов. — Аммо иш жойидан қўзғалди, дейиш мумкин. Ҳар бир хўжалик эҳтиёжлари аниқлаб чиқилди. Шу йилдан бошлаб озуқа ҳовлилари қурилишининг уч йиллик программасини амалга оширмоқдамиз. Белгиланган давр ичида камида тўққиз юзта ана шундай иншоот қурилиб, фойдаланишга топширилиши мўлжаллаб қўйилган.

Тошкент областидаги «Ленинград» совхозида бўлдик. Ана шу хўжаликда марказий қўрғон чеккасида область агросаноат комитети қурувчиларининг ҳавозалари кўзга ташланади. Фермаларнинг шундоқ ёнида озуқа цехи ва чорвадорлар уйи бунёд этилмоқда. Бу объектларга ҳамма ёпирилиб келганича иш бошланди. Бироқ қурилиш шошма-шошарлик билан олиб борилмоқда. Бугун бунёд этиш, эртага эса... бузиб юбориш ҳоллари бу ерда тез-тез учраб туради. Лойиҳаловчилар, таъминот хизмати ишидаги уюшқоқсизлик панд бермоқда. Қашқадарё, Жиззах областларида белгиланган программадан орқада қолишяпти.

Маблағларни тежашни ҳам унутмаслик керак. Ҳар бир озуқа ҳовлиси ярим миллион сўмдан ортиқроққа тушяпти. Демак, сарф-харажат оз эмас. Уларни камайтиришнинг иложи йўқмикан? Маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланилса-чи? Биз номини тилга олган «Ленинград» совхозида деворлар пишиқ ғиштдан тикланяпти. Айтайлик, айрим хўжаликларда бўлгани каби худди шу деворларни, масалан пахсадан кўтарса бўлмайдими? Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл районидаги Димитров номли колхозда худди шундай қилинмоқда.

— Озуқа ҳовлиси бизга бирмунча арзонга тушди, — дейди колхоз раиси А. Абдукаримов. — Лой, харсангтошларни ишга солдик. Пичан сақланадиган бостирмалар томини қамишдан ёпдик. Ҳам арзон, ҳам мустаҳкам...

Кўриниб турибдики, резервлар оз эмас, ҳамма гап улардан ишнинг кўзини билиб фойдаланишда. Умуман Ўзбекистон чорвадорлари қишловга бу йил бултургига қараганда бирмунча яхши кўрсаткичлар билан келдилар. Тўққиз ой мобайнида гўшт, сут, тухум етиштириш ўсди. Насл олиш кўпайди, моллар сонини сақлаб қолиш яхшиланди. Бироқ эришилган натижаларга маҳлиё бўлишга вақт эрта. Ҳар сигирдан ўртача соғиб олинган сут миқдори кўпайгани билан республикада сут харид қилиш тўққиз ойлик плани барибир бажарилмади. Андижон, Навоий, Самарқанд, Хоразм областлари фермаларининг ходимлари панд беришди.

Йил охирига қадар камчиликларни тўғрилаб олиш, ем-хашак запасларини тўлдириш зарур. Бунинг учун имкониятлар бор. Тайёрланаётган озуқа сифатига нисбатан қаттиқ талабчанлик кўрсатиш керак.

Бироқ рейд қатнашчилари айрим жойларда хўжасизлик ҳолларига дуч келдилар. Масалан, Қорақалпоғистон АССРда ўрим-йиғим ва озуқани сақлаш технологияси бузилганлиги сабабли ем-хашакнинг аксарият қисми паст сифатли бўлиб қолган. Текширувдан ўтказилган 375 минг тонна дағал хашакдан қарийб 100 минг тоннаси учинчи классга ўтказилган. Тўрткўл, Беруний, Амударё ва Қўнғирот районлари хўжаликларида эса ем-хашакнинг учдан бир бўлаги паст сифатлидир. Шунинг оқибатида омухта ем кўплаб сарфланмоқда. Автоном республикада мавжуд 216 та озуқа цехи ва ошхонасидан атиги ярмидан сал кўпроғи ишлаб турган бир пайтда бу ерда кутилган самарани олиш мумкинми ахир? Сунъий сут тайёрловчи агрегатларнинг кўпчилиги бекор турибди, ҳамма техника воситалари ҳам соз эмаслиги аниқланди.

Тармоқда прогрессив технологиялар, меҳнатни ташкил этиш, рағбатлантиришга илғор усулларни қўлланмай туриб салмоқли ўзгаришларга эришиш мумкин эмас. Айни пайтда атиги 345 хўжалик гўшт етиштиришнинг поток-цех усулига ўтказилган. Икки сменали ишга ўтиш жуда суст бормоқда.

Сутчилик комплекслари ҳақида алоҳида гапиришга тўғри келади. Уларнинг қувватидан тўла фойдаланилмаяпти, тўққиз ой мобайнида маҳсулот етиштириш плани комплекслар бўйича атиги 87 процент бажарилган. Сигирлар маҳсулдорлиги ҳамон пастлигича қолмоқда, озуқа сарфи ва маҳсулот таннархи эса ошиб боряпти.

Аҳволни ўнглаш йўлида кўп иш қилиняпти. Бироқ муваффақиятга эришиш учун эса фермаларда тартиб ўрнатишга янада фаолроқ киришмоқ зарур.

**«Правда»нинг рейд бригадаси:**
**К. МИНИН — Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети инспектори,**
**В. АРТЕМЕНКО — «Правда» мухбири.**

Ўзбекистон ССР.

**(«Правда», 1986 йил 30 ноябрь).**

# ЖУРНАЛИСТЛАР ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон журналистлари ўз ижодий ташкилотининг республика съездига, СССР Журналистлар союзининг съездига ҳозирлик кўрмоқдалар. Журналистлар ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларида оммавий ахборот воситаларининг қайта қуришдаги, идеология ишини яхшилашдаги, меҳнат коллективларини КПСС XXVII съезди қарорларини бажаришга сафарбар этишдаги ролини ошириш йўллари манфаатдорлик билан муҳокама қилинмоқда. Ҳисобот ва сайловлар ана шу ташкилотларнинг ҳаммаси ҳам ўз фаолиятини ҳали активлаштириб юбормаганлигини кўрсатмоқда. Оммавий ахборот воситалари ижодий ходимларининг профессионал маҳоратини оширишга кам эътибор берилмоқда, газеталарда, телевидение ва радиода саёз, аҳамиятсиз мавзулардаги материаллар тўлиб-тошиб ётибди. Газеталарнинг, айниқса, район газеталарининг саҳифаларида ўткир проблемалар камдан-кам кўтариб чиқилмоқда. Матбуот органларининг партия комитетлари билан аниқ-пухта ҳамкорлиги йўлга қўйилмаган.

* * *

Андижонда Ўзбекистон Журналистлар союзи область ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда область журналистлар ташкилоти правлениесининг раиси, «Коммунист» газетасининг редактори С. И. Шокаримов доклад қилди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан кишилар қайд этиб ўтишганидек, аввалги конференциядан кейин ўтган икки йил ичида область журналистларининг фаолияти сезиларли даражада активлашди. Область ва район газеталарининг саҳифаларида, радиоэшиттиришларда область халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи иқтисодий жиҳатдан чуқур анализ қилинган материаллар кўпайди. Камчиликлар дадилроқ очиб ташланмоқда, салбий ҳодисалар танқид қилинмоқда.

Аммо нотиқлар оммавий ахборот воситалари ходимларининг ижодий фаолиятидаги ижобий силжишлар билан бир қаторда бу ишдаги мавжуд жиддий камчиликларни ҳам қайд этиб ўтдилар. Бу гап, айниқса, Журналистлар союзи область ташкилотининг жойлардаги бошланғич ижодий ташкилотларга қилаётган раҳбарлигига тааллуқлидир. Айниқса, район бўғинида ёш журналистларнинг профессионал маҳоратини ўстириш борасидаги ишлар суст олиб борилмоқда. Матбуотда, радио орқали камдан-кам чиқаётган, ўзларининг бошланғич ташкилотларидан ажралиб қолган союз аъзолари кескин танқид қилинди. Бошланғич журналистлар ташкилотлари эса бундай аҳволга тоқат қилиб келмоқдалар. Бу нуқсонларда Журналистлар союзи область ташкилоти правлениеси ва бюросининг айби бор.

Конференцияда республика Журналистлар союзи правлениесининг шаънига ҳам танқидий гаплар айтилди. Сўзга чиққан кишилар правление аъзолари область ташкилотларидан ажралиб қолганликларини, қуйи ташкилотларда камдан-кам бўлишларини қайд этиб ўтдилар. Республика ва мамлакатдаги энг яхши ижодий коллективларнинг журналистлар маҳоратини ўстириш, уларнинг КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди, партиянинг кейинги пленумлари ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишда қатнашуви соҳасидаги тажрибаси етарли даражада оммалаштирилмаяпти.

Конференция ишида Андижон область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орипжонов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Конференцияда Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси секретари, «Ўзбекистон коммунисти» журналининг бош редактори Р. А. Нуруллин қатнашди ва нутқ сўзлади.

Конференцияда область журналистлар ташкилоти правлениеси ва ревизия комиссиясининг янги состави, республика Журналистлар союзининг VII съездига делегатлар сайланди.

(ЎзТАГ).

# ЮГОСЛАВИЯ ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

Югославия Социалистик Федератив Республикасининг миллий байрами — Республика кунини бутун совет халқи билан бирга Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам кенг миқёсда нишонладилар. Шонли сана шарафига 1 декабрда Тошкент жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда Македония Социалистик Республикаси Мажлисининг Тошкентга келган делегацияси аъзолари қатнашдилар.

Нотиқлар ЮСФР билан СССР ўртасидаги анъанавий бўлиб қолган ва фашизмга қарши биргаликдаги курашда чиниққан дўстликни мустаҳкамлашга ҳозирги вақтда Ўзбекистон меҳнаткашлари салмоқли ҳисса қўшаётганликларини таъкидладилар. Улар Совет — Югославия ҳамкорлиги иккала мамлакатнинг манфаатлари, тинчлик ва тараққиёт ишининг манфаатлари йўлида бундан буён ҳам кенгайиб бораверишн учун ҳамма ишни қилаверадилар.

(ЎзТАГ).

# ОДАМЛАРНИНГ ҲАЁТИ ВА СОҒЛИҒИ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

1 декабрь куни Тошкентда «Аҳоли соғлиғини ва атроф-муҳитни химиявий моддаларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш» халқаро лойиҳаси доирасида медицина ходимларининг кенгаши иш бошлади. Бу кенгаш БМТнинг атроф-муҳит программаси, соғлиқни сақлаш Умумжаҳон ташкилоти ҳамда СССР Фан ва техника давлат комитети ўртасидаги аҳдлашувга мувофиқ ўтказилмоқда.

Австралия, Буюк Британия, Ҳиндистон, Италия, Канада, СССР ва АҚШ мутахассислари пирролизид алколоидлар, яъни зарари кўпроқ бўлган табиий бирикмаларнинг хусусиятини ўрганиш бўйича жаҳонда тўпланган тажрибани умумлаштирадилар. Бу пирролизид алколоидлар қуруқ иссиқ иқлим шароитида маданий ўсимликлар билан биргаликда ўсадиган айрим бегона ўтлар таркибида бўлади. Уларнинг озиқ-овқатга тушиб қолиши жуда кўп одамларнинг оғир заҳарланишига олиб келадики, бу ҳозир ривожланаётган мамлакатларда кўпгина эпидемия характерида бўлгани учун ҳам алоҳида хавф туғдирмоқда.

Совет шифокорларининг фаол иштирокида Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг махсус ҳужжати лойиҳаси тайёрлаб қўйилди. Бу ҳужжатда заҳарланишларнинг олдини олиш юзасидан конкрет тавсиялар берилган. Бу лойиҳа кенгашда муҳокама қилиниб, тасдиқланганидан кейин ҳужжат ана шундай касалликлар кишиларга хавф туғдираётган барча мамлакатларга юборилади.

(ЎзТАГ).

